

**ЎЗБЕКИСТНДА ЁШЛАР МУТОЛАА МАДАНИЯТИ ЮКСАЛИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ  
СТРАТЕГИК МЕХАНИЗМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА ДОИР ФИКРЛАР**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10019633>

**Абдулазизов Абдулвоҳид Ҳабибуллаевич**

*Наманган давлат университети доценти, с.ф.н.*

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда жамиятда долзарб ҳисобланган мутолаа маданиятини инновацион тафаккурни шакллантиришнинг асоси эканлиги ва унинг ривожланиш аналари ҳақида муаллифнинг ижтимоий - фалсафий нуқтаи назари баён этилган. Ёшларда мутолаа маданиятини ривожлантиришда кутубхона ва янги ахборот технологияларининг ўрни жараёнларининг аҳволини объектив таҳлил этишга ҳаракат қилинган. Ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш долзарблиги таъкидланган. Ушбу жараёнда кутубхона ва янги ахборот технологияларининг аҳамияти ҳақида фикр мулоҳазалар берилган. Ўзбекистонда мутолаага эътибор аждодларимиздан меърос эканлиги таъкидланган ҳолда, мутолаа ҳодисаси кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, айниқса ўқувчи-ёшларининг мутолаа маданиятини ва инновацион тафаккурни шакллантириш масаласида янги ахборот технологияларининг ўрни яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги ҳақида хулоса берилди.

**Калит сўзлар:** *сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, кутубхоналар ривожланишининг янги босқичи, мутолаа институтлари, электрон ҳужжатлар, мутолаага эътибор, янги ахборот технологиялари, электрон воситалар*

**РАЗМЫШЛЕНИЯ О ТРАНСФОРМАЦИИ СТРАТЕГИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ,  
ОБЕСПЕЧИВАЮЩИХ РОСТ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЁЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Абдулазизов Абдулвахид Ҳабибуллаевич**

*доцент Наманганского государственного университета к.с.н.*

**Аннотация:** *В статье рассматривается социально-философская точка зрения автора на проблемы развития и изменения читательской культуры, которая считается актуальной в современном обществе, а также предпринята попытка объективно проанализировать состояние процессов роли чтения и новых информационных технологий в развитии инновационного мышления молодежи. Подчеркнута важность формирования и развития читательской культуры молодежи. Изложены мнения о значении библиотек и новых информационных технологий.*

**Ключевые слова:** *политические и экономические реформы, новый этап развития библиотек, читательские учреждения, электронные документы, внимание к чтению, новые информационные технологии, электронные средства.*

## **REFLECTIONS ON THE TRANSFORMATION OF STRATEGIC MECHANISMS THAT ENSURE THE GROWTH OF THE READING CULTURE OF YOUNG PEOPLE IN UZBEKISTAN**

**Abdulvahid Khabibullayevich Abdulazizov**

*Associate Professor of Namangan State University*

**Abstract:** *The socio-philosophical point of view of the author is described that the culture of reading, considered relevant in society today, is the basis for the formation of innovative thinking and the traditions of its development. objectively analyze the state of the processes of the role of the library and new information technologies in the development of a reading culture among young people. The importance of the library and new information technologies was emphasized. In this process, opinions were expressed about the importance of the library and new information technologies. It was noted that attention to reading in Uzbekistan was inherited from our ancestors, and the phenomenon of reading is one of the least studied areas, especially in the matter of the formation of a reading culture. and innovative thinking of students, it is concluded that the place has not been studied as an integral object of research.*

**Key words:** *political and economic reforms, a new stage in the development of libraries, reading institutions, electronic documents, attention to reading, new information technologies, electronic tools.*

Маълумки, неча асрлардан буюн авлоддан авлодга маънавий мерос асосан ёзма манбалар орқали етказиб келинмоқда. Шу боисдан, инсоният маънавий ва илмий меросни авлодларга етказиш мақсадида ёзувни кашф этган эди. Шундан буюн ёшлар таълимнинг асосий қисмини ўқиш ва ёзиш ташкил этиб келмоқда.

Қадимги аждодларимиз аксар ҳолда саводхонликни ошириш билан кифояланган бўлсалар, бугунги авлод учун фақат ўқиш ва ёзишни билишнинг ўзи камлик қилади. Ахборот асри деб ном олган XXI асрда атрофимизни шунчалик кўп ахборот ўраб олган ва ушбу ахборотлар шунчалик тез ўзгармоқда-ки, ушбу ахборотлар уммонида бемалол суза олиш учун, уларни тез қабул қилиш, тез қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш талаб этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида яратилган ўрта махсус таълим тизимининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, бу муассасаларда асосан ўсмирлар таълим оладилар. Ўсмирлик даври эса «инсон ҳаётининг муҳим даври бўлиб, ушбу даврда шахснинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқ жараёнлар, келгусидаги унинг ҳаёт йўлини белгилаб беради»[1]. Хусусан, унинг касб танлаши, инсонлар билан

мустақил шахс сифатида мулоқотга кириша бошлаши ва бошқа шу каби ҳолатлар айнан ўсмир ёшида юз беради.

«Инсон томонидан жамиятда ҳаёт кечириш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилиш жараёни»[2] сифатида ижтимоийлашув бир қанча ижтимоий институтлар томонидан амалга оширилади. Хусусан, оила, таълим муассасалари, маҳалла ва бошқалар шахс ижтимоийлашувининг асосий институтлари ҳисобланадилар. Қадимий кутубхоналар ва замонавий АРМлар ҳам ўзининг жамиятда тутган ўрнига кўра ижтимоийлашув институти вазифасини бажаради.

Шахс ижтимоийлашувининг асосий институти сифатида кутубхоналар доимо бир қанча асосларга эга бўлган. Хусусан, қуйидагилар кутубхоналарни шахс ижтимоийлашувининг асосий институти қилиб белгилаб берган ва ушбу жиҳатлар бугунги кунда ахборот-ресурс марказлари учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган:

- кутубхоналар доимо турли кўринишдаги ва жанрдаги босма, аудио ва видео ахборотнинг улкан жамғармасига эга бўлиб келган. Ушбу маҳсулотлар ва ижтимоий тажрибанинг умумлашма шакллари асосий вазифаси ёшларнинг ижтимоийлашувларини таъминлашдан иборат;

-кутубхоналар ижтимоий тажрибани ўзида жамғариш билан бирга уларни етказиб бериш вазифасини ҳам бажарадилар, бу эса, уларнинг ижтимоийлашув институти сифатидаги аҳамиятини оширади;

-ижтимоий ахборотни ўзлаштиришнинг асосий усули мутолаа бўлиб, бу шак-шубҳасиз ижтимоийлашишга кўмаклашувчи жараёндир;

-ахборот узатишнинг турли шаклларидан фойдаланиш орқали кутубхоналар чуқур қайта ишланган маълумот, билим берадилар, бу эса, тажрибасиз ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади;

-шахс ижтимоийлашувида муҳим аҳамиятга эга бўлган оммавий ахборот воситалари каби, АРМлар ҳам мулоқотнинг барча шаклларидан: шахсий, махсус, оммавий мулоқотдан фойдаланади; бундан ташқари, кутубхоналар фойдаланувчилар билан нафақат тўғри, тескари алоқа қилиш имкониятига ҳам эга;

-АРМлар (болалар, ўсмирлар, ўқув, махсус, илмий, оммавий) шахснинг бутун умри давомида ҳамроҳ бўлиши ва барча даврларда: болалик, ўсмирлик, етуклик, қарилик даврида ҳам ижтимоийлашувга кўмаклашиши мумкин;

-АРМ хизмати ижтимоийлашув юз берадиган барча соҳаларни: таълим, дам олиш, мулоқот жараёнини қамраб олади;

-амонавий АРМлар ижтимоийлашув босқичларига: дунёқарашни шакллантириш, касб танлаш ва шу кабиларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга; - АРМларнинг ижтимоийлаштирувчи таъсирининг қатъий эмаслиги, унинг ресурсларига мурожаатнинг эркинлиги, айниқса ўсмирларга таъсир қилиш самарадорлигини оширади;

-кутубхоналарнинг ижтимоийлашув жараёнига таъсири тўғридан-тўғри бўлиш билан бирга, билвосита, кутубхона хизмати, кутубхона мулоқоти орқали ҳам амалга ошиши мумкин ва бу ҳам, ўсмирларнинг қабул қилиш хусусиятига мос келади.

Шахс ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этувчи кутубхоналар Ўзбекистон ҳудудида дастлаб Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган. Тадқиқотчи Э.Охунжоновнинг маълум қилишича, ушбу даврда Аҳмонийлар давлати таркибида бўлган Туронзамин халқлари олд Осиё, Юнон, Миср, Ҳинд ва бошқа ҳудудлардаги халқларнинг китобат ва кутубхоначилик ишидаги илғор ютуқларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлган. Бу ўз навбатида Марказий Осиё ҳудудларида ҳам, «китобларни қўлёзма шаклида кўпайтириш ва китоб мазҳанлари – кутубхоналар ташкил этилишига» олиб келган[3].

Қадимги ва ўрта асрларда ўлкамизда тўрт турдаги кутубхоналар фаолият юритган:

1.Давлат кутубхоналари. Бу ерда асосан давлат фармонлари, сулолар тарихи ва зардуштийлик тарқалган ўлкаларда “Авесто”нинг турли қисмлари ва унга ёзилган изоҳлар сақланган.

2.Жамоат кутубхоналари. Асосан дунёвий китоблар жамғармасидан иборат бўлган (қадимги Ойхоним шаҳридан топилган кутубхонага ўхшаш);

3.Турли диний мазҳабларнинг кутубхоналари. Диний мазмундаги китоб сақланувчи омборлар.

4.Олимлар ва диний уламоларнинг, ўқимишли кишиларнинг шахсий кутубхоналари.

Ушбу давр кутубхоналари ўлкамизда кутубхоначилик иши ва китобхонлик маданиятининг тамал тоши қўйилишига хизмат қилган.

Маълумки, VIII асрда Марказий Осиё ҳудудлари араб халифалиги таркибига қўшиб олинади ва ўлкамизда ислом дини тарқала бошлади. Араблар билан кириб келган янги дин ва дунёқараш маҳаллий аҳолининг турмуш тарзига ҳам бир қанча ўзгаришларни киритди. Хусусан, кутубхоначилик ишида ҳам исломлаштириш жараёнини кузатишимиз мумкин.

Қадимдан мавжуд бўлган давлат кутубхоналаридаги зардуштийлик ва бошқа динларнинг қўлёзма асарлари йўқ қилиб ташланиб, Қуръон ва ҳадислар, уларга ёзилган шарҳлар билан тўлдириб борилган. Шунингдек, катта шаҳарлардан тортиб, катта қишлоқ мавзеларигача кўпчилик аҳоли фойдаланиши мумкин бўлган жамоат кутубхоналари мавжуд бўлган. Булар билан бир қаторда мадрасалар ва масжидлар, турли хонақоҳлар қошида кутубхоналар ташкил этилган бўлиб, булар вақф мулки ҳисобланган. Шу боисдан, мазкур кутубхоналарни тадқиқотчи Э.Охунжонов «Вақф кутубхоналари» деб номлашни таклиф этади[4].

Кутубхоналарнинг ушбу кўринишлардаги шакллари чор Россияси босқинига қадар ўлкамизда мавжуд бўлган асосий кутубхоналардан бўлиб қолган. Гарчи, темурийлар даврида маданий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби, кутубхоначилик иши

ҳам тараққий этган бўлса-да, шаклан деярли ўзгаришга учрамаган. Мазмунан эса, ушбу даврда кутубхоначилик ва мутолаа маданияти тараққиётида эришилган ютуқларни ҳеч қайси давр билан таққослаб бўлмайди.

XIX аср охирларига келиб, чор Россияси томонидан истило қилинган Марказий Осиёда, европача кўринишдаги китоблар ва кутубхоналар кўпая бошлади. Ўлкада мавжуд бўлган анъанавий кутубхоналар билан бирга, жадид мактаблари кутубхоналари, оммавий ва шахсий кутубхоналар каби шарқона миллий кутубхоналар билан бирга, европача оммавий, илмий жамиятлар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар, хусусий ва жамоа кутубхоналари пайдо бўлди.

XX аср охирларида Қримда пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати тез орада Марказий Осиёга ҳам етиб келди. Қисқа муддат ичида бу ерларда ҳам жадид мактаблари ташкил этилиб, болалар ўқитила бошланди. Шунингдек, мазкур мактаблар учун бир қанча ўқув адабиётлари ва дарсликлар яратилган эди. Ушбу китоблар тўпланиб бориб, кейинчалик мактаблар қошида кутубхоналар, ўлка учун янгича кўринишдаги ўқув кутубхоналари пайдо бўлди. 1917 йилга келиб, Туркистонда 100 га яқин жадид мактаблари фаолият юритган[5]. Юқорида айтилганидек, мазкур мактаблар қошида китоб фонди – ўқув кутубхоналари мавжуд бўлган. Чор Россияси билан бирга, Туркистон ўлкасига таълимнинг янги тури –ўрта махсус таълим муассасалари пайдо бўлди. Хусусан, Туркистон ўқитувчилар семинарияси, реал билим юрти ёки Тошкент шаҳар хотин-қизлар билим юрти шулар жумласидандир. Мазкур билим юртлари ўзларининг ўқув кутубхоналарига эга бўлган. Туркистон ўқитувчилар семинариясида эса, 7000 жилдга эга асосий кутубхона фаолият юритган[6]. 1871 йил 30 июлда тасдиқланган «Туркистон ўлкаси ўқув юртларининг кутубхоналарини тартибли сақлаш қоидалари» ўқув юртлари кутубхоналарида хизмат кўрсатиш тизимини тартибга солишга бағишланган. Чор ҳукумати ушбу қоидалар орқали ўқувчи-ёшларнинг китоб ўқишларини тартибга солишга ва назорат остига олишга ҳаракат қилган. Тадқиқотчи Э.Охунжоновнинг маълум қилишича, мазкур қоидалар ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мос келмаган ва шу боисдан, турли норозиликларга сабаб бўлган[7]. Чор Россияси томонидан рушлаштириш ва мустамлакачилик сиёсати кутубхоначилик тизимида ҳам амалга оширилган. Маълумки, 1917 йилда октябрь тўнтариши амалга оширилиб, ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришлар юз бера бошлади. Хусусан, кутубхоначилик тизимида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилган эди. Яъни, 1917–1919 йилларда давлат, жамоат ташкилотлари ва хусусий кутубхоналар национализация қилинди ҳамда халқ таълими бўлимлари ихтиёрига ўтказила бошлади. 1919 йил 14 апрелда Туркистон республикаси халқ комиссарлари кенгашининг «Халқ, шаҳар, жамоат кутубхоналари ҳамда хусусий кутубхоналарни национализация қилиш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинади[8]. Мазкур буйруққа кўра, ўлкадаги барча кутубхоналар Туркистон автоном республикасининг мулки деб эълон қилиниб, маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилган. Маориф комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими ўлкадаги барча

кутубхоналарни национализация қилиш ва бутунлай янги тизимни бунёд этиш ишларига бош-қош бўлган. Мазкур тизимга кўра, универсал кутубхоналар ва муассасалар қошидаги махсус кутубхоналар ташкил этилди. Махсус кутубхоналар тизимига таълим муассасалари ва илмий муассасалар қошидаги кутубхоналар, жумладан болалар ва ўсмирлар кутубхоналари ҳам кирар эди. Ушбу давр республикамиз кутубхоначилиги тарихида муҳим давр ҳисобланади. Айнан шу даврда кутубхоначилик иши замонавий даражага кўтарилди, китобларни каталоглаштириш, кутубхона-библиография хизмати, ёш ёки касбий хусусиятларига кўра хизмат кўрсатиш, аҳолининг мутолаа маданиятини ўрганиб бориш ва бошқа шу каби бир қатор янгиликлар жорий этила бошланди.

Хусусан, мамлакатимизда мутолаа жараёнини социологик тадқиқ этиш ҳам Россиядаги мутолаа жараёнларининг ўрганилиш тарихи билан узвий боғлиқ. Мустамлака даврида Россиянинг марказий ҳудудларида олиб борилган китоб ўқиш ва унга қизиқишни эмпирик тадқиқотлар орқали ўрганиш анъанаси XX асрда бизнинг ўлкамизга ҳам кириб келди. Қизил инқилобдан олдинги Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида китобхонлар аудиториясини ўрганиш амалий социологик тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган. Турли тарихий даврларда мазкур муаммога қизиқишнинг юқори бўлишига сабаб шунда эдики, мутолаа кучли мафкуравий таъсир қуролидир. XX асрнинг аввалидан бошлаб маърифатпарварларнинг ташаббуси билан мутолаа жараёнларини тадқиқ этиш ташкилий кўриниш олиб, давлат муассасалари ва тадқиқотчилик жамоалари томонидан амалга оширила бошлайди. Бизнинг ўлкамизда эса, жадидчи-маърифатпарварлар жамиятда кутубхоналарнинг ўрни беқиёс эканлигини, ўлкани мустамлака зулмидан, энг асосийси фикр қарамлигидан озод қилишда уларнинг аҳамияти катта эканлигини тўғри тушуниб, турли кутубхоналар ташкил этишга, бунда китобхонлар эҳтиёжларини ўрганишга ва уларни қизиқтирувчи мавзулар ва йўналишлардаги адабиётларни кўпайтиришга ҳаракат қилдилар. Коммунистик мустамлака даврида собиқ марказдаги тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда республикамиз тадқиқотчилари ҳам кенг иштирок этар эдилар. Бироқ, бу борадаги ташаббус, муаммонинг методологик жиҳатларини ривожлантириш асосан собиқ марказдаги олимларнинг ихтиёрида эди. Ўзбекистонда эса социологик тадқиқотлар асосан кутубхонашунос ёки библиограф тадқиқотчилар томонидан амалга оширилиб, уларнинг илмий изланишларида эмпирик база вазифасини ўтаган. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тадқиқотлар собиқ иттифоқ давлат кутубхонасининг услубий раҳбарлигида, марказлашган ҳолда олиб борилди. Мазкур тадқиқотлар жуда кўп ҳудудларни қамраб олганлиги билан фарқланади. 80-йилларнинг охирларига келиб эса, тадқиқотлар бошқа ҳудудларда ҳам мустақил амалга оширила бошланди.

1991 йил миллий мустақилликка эришилиши ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, мутолаа маданиятини тадқиқ этиш ишига ҳам янгича

мазмун касб этди. Аввало, истиқлол натижасида республикамизда социология фани мустақил тараққиёт йўлига кирган бўлса, дастлабки диссертацион илмий тадқиқот ишларидан бири – А.Умаровнинг докторлик диссертация иши айнан мутолаа ҳодисасининг социологик жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланди[9]. Ушбу тадқиқот иши мутолаа ҳодисасини комплекс ўрганишга бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг мутолаа маданиятини шакллантириш ҳолати ва истиқболлари кенг ёритилган.

Бироқ ушбу илмий тадқиқот иши республикамиз аҳолисининг мутолаа маданиятини таркиб топтириш ва ривожлантириш борасидаги вазифаларни кенг қамраб ололмаган. Хусусан, аҳолининг ёш ёки жинс гуруҳларига, касбига ва бошқа хусусиятларига кўра ўзига хосликларни тўлиқ очиб бермаган. Шу боисдан, мутолаа маданиятини тадқиқ этувчи тадқиқотчилар олдида бир қатор мажмуавий йўналишлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

- маданий меъёрлар ва қадриятларга муносабатни ўзида акс эттирувчи китоблар ва кутубхоналар ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш;

- ижтимоий ва маданий контекстда шаклланган ахборот айланиши тузилмасини таҳлил қилиш, ушбу тузилмада замонавий АРМларнинг ўрнини аниқлаш;

- оила, таълим муассасалари ва бошқа ижтимоий институтларда адабиётни ўзлаштириш даражасига кўра китобхонликни шакллантиришни тадқиқ этиш;

- китобхонлар аудиторияси бўлинишини, китобхонлик малакаси ва талабларини, китобхонлик фаоллигини таҳлил қилиш;

- ҳаётнинг турли соҳаларига (иш, ўқиш, дам олиш) мутолаанинг таъсирини ўрганиш;

- янги ахборот технологияларининг мутолаага таъсирини тадқиқ этиш.

Бугунги кунда мутолаа социологияси асосан амалий тадқиқотлар билан чекланмоқда ва бунинг натижасида мутолаа социологиясининг ягона назарияси, «китобхон» тушунчасига ягона ёндашув, тадқиқот услубларида бир хиллик мавжуд эмас. Шунга қарамаздан, ушбу амалий тадқиқотлар келгусида назарий умумлашмалар қилиш учун асос вазифасини ўташи мумкинлигини, тавсифловчи тадқиқотлардан таҳлил қилувчи ва башорат қилувчи ёндашувларга ўтилишини, мутолаа маданияти ва китобхонлик ҳодисасидаги ўзгаришларни ўрганишни таъминлаш имконини беради.

Хусусан, ана шундай мажмуавий тадқиқотлардан бири 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилган олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида маънавий муҳитни ўрганишга доир ўтказилган социологик сўров эди[10]. Ушбу сўровда ўқувчи-ёшларга «Сиз ўз билимларингизни ривожлантириш учун одатда қандай йўл тутасиз?» деган савол билан мурожаат этилган ва ушбу саволга жавоблар таҳлили кутубхоналардан ўрта-махсус таълим муассасаларининг атига 17,0% талабалари фойдаланаётганлиги аниқланган. Респондентларнинг деярли ярми (49,4%) мустақил тайёрланишларини

маълум қилганлар. Кутубхоналар эса, ёшларнинг фақат ўқув адабиётларига бўлган талабларини қондираётганлиги аниқланган. «Сиз қўшимча билим олиш учун зарур ўқув адабиётларини қаердан оласиз?» деган саволга жавоблар таҳлили эса, 61,3 фоиз талабалар ўқув адабиётларини айнан кутубхонадан олишларини маълум қилганлар.

Тадқиқот якунига кўра, Марказ тадқиқотчилари томонидан таълим муассасаларига кутубхоналарнинг иш фаолиятини жонлантириш, талаба-ёшларни мазкур муассасаларга кенгроқ жалб этиш бўйича тавсиялар берилган.

Замонавий АРМларнинг асосий хусусиятларидан бири – уларнинг китобхоналарга ахборот олишнинг мумкин қадар барча хизматларидан фойдаланишлари учун имконият яратиб беришдир. Бироқ 2005 йилда кўпгина таълим муассасалари кутубхоналари талаба-ёшларга мавжуд компьютер техникаларидан фойдаланиш имкониятини бермаган. «Сизнинг ўқув даргоҳингизда дарсдан ташқари вақтларда компьютердан фойдаланиш имконияти борми?» деган саволга жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, 60,7% респондентлар «барча имкониятлар бор» деб жавоб берган ҳолда, 28,3 фоизи «компьютер бор, бироқ ундан фойдаланишга рухсат беришмайди» деган жавобни белгилаганлар. Ушбу салбий маънодаги жавоб кўпроқ (42,9%) Тошкент шаҳридаги ЎМТМлар талабалари томонидан кўрсатилган. Шунингдек, Фарғона (39,9%) ҳамда Хоразм вилоятлари (38,0%) ўқувчиларига ҳам мавжуд компьютерлардан фойдаланишга кўп рухсат берилмас экан.

Мазкур жавоблар таҳлили XX аср охирларига келиб ва XXI аср бошларида ёшларнинг кутубхоналарга қатнови камайганлигининг сабабларини тушуниш имконини беради. Яъни, анъанавий кутубхоналар ёшларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини қондира олмай қолган эди ва натижада ёшлар ушбу эҳтиёжни қондиришнинг муқобил вариантларини қидира бошлаганлар. Шу боисдан, 2006 йил 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381- сон қарори ўз вақтида чиққан муҳим ҳужжатдир. Ушбу қарорга кўра, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги анъанавий оммавий кутубхоналар ўрнига замонавий ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказлари ташкил қилиниб, ушбу марказлар олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим муассасалари ўқувчи ёшларининг таълим олишлари ва аҳолининг мустақил таълим олишларини тизимли ташкил этиш;

- миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, шахснинг маънавий баркамол ва ҳар томонлама ижодий ривожланиши учун имкон яратиш;

- янги ахборот технологиялари асосида (маълумотларнинг электрон базалари, интернет-ресурслар) аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;



- маданий, маърифий, ахборот ва бошқа дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда таълим муассасалари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, миллий маданий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш[11].

Ушбу қарорни амалиётга жорий этиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли 4955 та анъанавий кутубхоналар ўрнида 914 та замонавий ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди[12]. 2007 йил май ойига келиб, 914 та АРМдан 343 таси Интернет тармоғига уланган. АРМлар таълим муассасаларининг ички имкониятлари ҳисобидан 743 принтер, 450 сканер, 334 нусха кўчириш ускуналари билан таъминланди. АРМларни мўлжалли равишда компьютер дастурлари ва техникалар билан таъминлаш мақсадида 4354,0 млн. сўмлик дастур ишлаб чиқилди. Лозим бўлган компьютер техникалар миқдори аниқланиб «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари орқали тендер эълон қилинди. Мазкур ахборот-ресурс марказлари аҳолининг, айниқса ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан бирга, уларнинг мутолаа маданиятини оширишга ҳам хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса, ушбу муассасалар замонавий талабларга жавоб берувчи ходимларга ҳам эга бўлиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, республикада амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг мутолаа маданиятини оширишга хизмат қилиш билан бирга, мутолаа социологиясининг ривожланишига ҳам хизмат қилади. Бунда, мутолаа социологиясининг мустақил йўналиш бўлиб қарор топишига алоҳида эътибор қаратиш, унинг назарий асосларини бойитиш, амалий тадқиқотларнинг йўналишлари ва кўламларини кенгайтириш, замонавий кутубхоначи ходимларнинг мутолаа социологияси ва психологияси соҳасидаги билимларини ошириш ва мутолаа ҳодисасини кенг ижтимоий-маданий контекстда ўрганиш талаб этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юнусов А.Б. Ўсмир меъёрни бузса... Т.: А.Қодирий номидаги ТДМИ, 2008 й. 18-бет.
2. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. 147-бет.
3. Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. – Т.: «Адолат», 2004. 26-бет.
4. Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. – Т.: «Адолат», 2004. 45-бет.
5. Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. – 270-бет.
6. Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. – Т.: «Адолат», 2004. 51-бет.
7. Ўша асар, 52-бет.
8. Культурное строительство в Туркестанский АССР (1917-1924 гг.). Сборник документов, т.1, с.397-398.

9. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц-я фанлари доктори илмий дар-ни олиш у-н тай. дисс-я. Т., УзМУ, 2005 й.

10. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги қошидаги Педагогик, социологик ва психологик тадқиқотлар Маркази томонидан социологик сўров ўтказилган эди. Тадқиқотда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидаги Олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари тўлиқ қамраб олиниб, ҳар бир таълим муассасасининг 10 фоизгача бўлган ўқувчи-ёшлари иштирок этган эди.

11. ЎзР биринчи Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. «Халқ сўзи» газ-си, 2006 й. 21 июнь.

12. Статистик маълумотлар ЎзР Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалиётга жорий этишга услубий раҳбарликни амалга оширган А.Навоий номидаги Миллий кутубхона тақдим этган маълумотлар асосида келтирилмоқда.